


Тазкия дарслари (40-дарс). Каромат тушунчаси ва унинг турлари



15:30 / 04.07.2019 4392

«Каромат» «карума», «якруму» феълидан олинган масдар бўлиб, юқорилик ва шараф маъносини англатади.

Каромат шу маънода икки хил бўлади:

1. Аслий.
2. Касбий.

Биринчи(аслий каромат)нинг мисоли қуйидаги оятда:

«Батаҳқиқ, Бану Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик ва уларни қуруқлигу денгизда (улов-ла) кўтардик ҳамда уларни пок нарсалар ила ризқлантирдик» (Исро сураси, 70-оят).

Ушбу каромат мўмин бўлсин, кофир бўлсин, башариятнинг ҳамма аъзолари учун умумийдир.

Иккинчи(касбий каромат)нинг мисоли:

«Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлийингиз энг тақводорингиздир» (Ҳужурот сураси, 13-оят).

Бу каромат тақводор мўминда ҳосил бўлади.

Одатдан ташқари ишларни каромат дейиш мажозийдир. Чунки Аллоҳ таоло ўша ишларни тақводор мўминнинг икромидан унинг томонидан содир этади. Аллоҳ таолонинг икром қилиши ўша ишларнинг содир бўлишига сабаб бўлади.

Кароматнинг зоҳир бўлишидаги ҳикмат – каромат содир бўлганидан сўнг валийнинг ишончи яна ҳам зиёда бўлиб, дунёдаги зуҳди-тақвоси кучайиб, ҳавойи нафс даъвоси йўқолишидир.

Кароматларнинг ростлигига далил:

1. Аллоҳ таолонинг Биби Марям қиссасидаги ушбу оят:

«Закариё ҳар сафар унинг олдида – меҳробга кирганида, унинг ҳузурида ризқ кўрди» (Оли Имрон сураси, 37-оят).

2. Қуръони Каримдаги Каҳф – (ғор) соҳибларининг узун қиссаси.

3. Имом Бухорий ва Имом Муслимларнинг икки «Саҳиҳ» китобларидаги кирган ғорларининг оғзига харсанг тушиб қолган уч кишининг қиссаси.

4. Қуръони Каримдаги қуйидаги оят:

«Ким Аллоҳга тақво қилса, унинг йўлини очиб қўядир. Ва унга ўзи ўйламаган тарафдан ризқ берур» (Талоқ сураси, 2-3-оятлар).

5. Ва ушбу оят:

«Агар Аллоҳга тақво қилсангиз, сизга фурқон қилиб беради» (Анфол сураси, 29-оят).

Ушбу икки оятда валийликнинг шартини бўлмиш тақво зикр қилинди. Сўнгра тақводор валийнинг каромати зикр этилди. Бу унга ҳамма мусибатлардан кушойиш берилиши, ризқининг ўйламаган, билмаган томондан берилиши ва ҳақ билан ботил орасини фарқловчи нурнинг берилишидир» (*Иқтибос тугади*).

Ушбу иқтибосга қўшимча сифатида айтишимиз лозимки, тасаввуфга кириш, унда шайх бўлишдан асосий мақсад каромат кўрсатиш эмас. Балки руҳий тарбия ила шуғулланиш ва мўмин-муслмонларни тарбия қилишдир. Кароматнинг маъноси икром қилишдир. Аллоҳ таоло Ўзига тақво ва зоҳидлик ҳамда кўп ибодат ила қурбат ҳосил этган бандаларига икром кўрсатиб, баъзи бир оддий одамлар қила олмайдиган нарсаларни улар

орқали юзага чиқариб, дуоларини қабул қилиб, олий даражадаги илму ирфон ҳамда фаросат бериб, уларни мукофотлайди. Кўпчилик аҳли тасаввуфнинг «Валий ўзининг кароматини ўзи билмаслиги шарт», деган гаплари бор.

Шу билан бирга, валийларга ва уларнинг кароматларига Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби бўйича эътиқод қилмоғимиз лозим.

Яъни ҳар бир мўмин-мусулмон содиқ иймони туфайли Аллоҳ таолонинг ҳимоясига киради, дўстига – валийсига айланади. Иймонларининг, ибодатларининг, ихлосларининг тадрижга кўра Аллоҳ азза ва жалла ҳар бир мўмин-мусулмонга маълум даражада икром кўрсатади.

Тақвosi, эҳсони кучли бўлган валийларга оддий одамлар қила олмайдиган одатдан ташқари ҳолатлар ато этилиши ҳам рост.

Сувда юрувчи, осмонда учувчи, бир неча лаҳзада кўз илғамас жойларга бориб келувчи, балиқлар унга итоат этувчи, ўзгаларнинг ҳолидан хабар берилган, ўзининг кўргиликларидан огоҳ этилган каромат соҳибларининг борлиги ҳам рост.

Қиёмат қоим бўлгунча турли валийлардан ҳар хил кароматлар содир бўлиши ҳам инкор этилмайдиган башоратдир.

“Тасаввуф ҳақида тасаввур” китобидан